МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ – ПОБЕДИТЕЛИ СОРЕВНОВАНИЯ

# ЮКСАКЛАРНИ КЎЗЛАР БИЗНИНГ САРЛОЧИНЛАР

## АНЪАНАГА АЙЛАНГАН ҒОЛИБЛИК

«Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин», деган тилак, ният яшайди ўзбекнинг қалбида. Ҳа, тилаги, истаги ҳам қалбидек пок халқимнинг. Аммо бир ҳақиқат бор. Осмонимиз мусаффо бўлиши, ҳаво сарҳадларимиз муносиб қўриқланиши йўлида Ватанимиз ҳимоячиларининг ҳиссалари улкан. Биз улар ҳақида туркум материаллар, лавҳалар тайёрлаганмиз. Уларни шунқорларга, осмонимиз лочинларига, сарлочинлар – сара лочинларга менгзаганмиз. Бу бежиз эмас, албатта. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган, истиқлол меваси бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини туғаллаб, сафларга қўшилган, қўшилаётган ўғлонларимиз ҳақида баралла шундай дейишимиз мумкин. Улар маҳоратда, садоқатда, матонатда ҳеч кимдан кам эмасликларини, ҳеч кимдан кам бўлмасликларини намоён этишиб, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларга улкан ҳисса қўшишмоқда. Бу фикрларимнинг исботини ортда қолган ўқув йилида ғолиб бўлган – кубокни қўлга киритган жамоа мисолида кўриб ўтиш мумкин. Яъни подполковник Мэлс Жанабоев командирлик қилаётган жамоанинг ўзагини истиқлол меваси бўлган билим юртининг битирувчилари ташкил этади-да.

Буни қарангки, жамоа ғолибликнинг тўртинчи довонини эгаллабди. Вертолётчиларнинг шижоати, қатъиятини кўриб, бемалол «улар ғолибликни анъанага айлантирибди», дея оламиз. Эслатиб ўтамиз, жамоа илк бора кубокни 2000 йилда қўлга киритганди. Мана, энди эгалланган навбатдаги довон ҳақида ҳам ҳикоя қилишга фурсат етди. Мазкур ютуқ вертолётчилар қисмининг Қуролли Кучларимиз 14 йиллигига, қолаверса, Конституциямиз қабул қилинган кунга муносиб туҳфаси бўлди.

Аввало илғор жамоанинг командиридан қисқача сўз очсак. Асли навоийлик бўлган бу тажрибали офицер ўз соҳасини пухта билади. У жамоаси жанговар тайёргарлиги, ҳарбий интизоми ва ички тартибини мунтазам таҳлил қила бориб, тегишли хулосалар чиқаради ва тегишли тадбирлар ўтказишга буйруқ беради. Қолаверса, қисм штаби тайёргарлиги доимий диққат марказида. Хуллас, жамоани моҳирона бошқара олиши, ўзи қўл остидагиларга ибрат бўлиши ютуқларнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда.











### «ВЕРТОЛЁТ ПАРВОЗГА ШАЙЛАНСИН!»

Ортда қолган ўқув йилида подполковник М.Жанабоев бошчилигида ўтказилган бир ўқув машқини кузатганман. Келинг, фикримизнинг исботи сифатида ўша машқнинг тафсилотини қисқача сўзлаб бера қолайлик.

...Аэродромдаги машғулотлар хонасида командир тегишли хизмат бошлиқлари билан тезкор йиғилиш ўтказмоқда. Даставвал хизмат бошлиқларининг ҳар бири ўзларига тегишли маълумотларни беришди. Дейлик, кимдир намлик даражасини, яна кимдир вертолётнинг техник аҳволи билан боғлиқ ҳолатни, бошқа бирови метеорологик ҳолатни, учиш-қўниш йўлагининг қай даражада шайлигини айтиб командирга ҳисобот берди. Бу маълумотларни командир таҳлил қила туриб, кўнгли тўлган, тўлмаган жиҳатларни бир-бир айтди. Хуллас, машғулотлар хонасида мавжуд вазият обдон таҳлил қилинди. Жанговар вазифа – об-ҳавони разведка қилиш. «Вертолёт парвозга шайлансин!», буйруқ берди подполковник Жанабоев. Таъкидлаш жоизки, экипаж командирлиги ҳам ўзининг зиммасида. Машғулотлар хонасида унинг хатти-ҳаракатини кузатаман. Ҳар бир ишида қатъият, аниқлик, пухталик бор. Бу ҳам бўлса унинг танлаган соҳасини севишидан, тўплаган тажрибаларидан. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, у 1993 йилда Россиядаги учувчилар тайёрлаш билим юртини тугаллаган. Мана, 12 йилдан зиёд вақтдан бери у Қуролли Кучларимиз сафида.

Ниҳоят, вертолёт самога парвоз қилди. Соатга қараб турдим. Парвоз чамаси 40 минутлар давом этди. Экипаж ерга муваффақиятли қўнгач, яна зудлик билан машғулотлар хонасига командир, хизмат бошлиқлари, учувчилар йиғилишди. Улар орасида яқинда сафларга қўшилган учувчилар ҳам бор. «Демак, келажак давомчиларида шу зайлда тажриба тўплана боради», деган фикр ўтди хаёлимдан. Очиғи, унгача сабрим чидамай, таниш офицердан «Энди нимани муҳокама қиласизлар?», дея сўрадим. «Ҳозир ўзингиз гувоҳи бўласиз. Об-ҳаво разведкаси билан боғлиқ жанговар вазифа адо этилди. Энди командиримиз қандай об-ҳаво шароитида парвоз қилиш борасида учувчиларга буйруқ беради», деди у.

Яна машғулотлар хонасидамиз. Жамоадаги учувчиларнинг – сарлочинларнинг кўпчилигини яхши танийман. Улар ҳатто, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам парвоз қилиш ҳадисини олганлардан. Масалан, булутли, туманли, қор-ёмғирли об-ҳавода, мураккаб тоғли шароитда ҳам улар жанговар вазифаларни аъло даражада уддалай олишади. Ниҳоят, булутли ҳавода парвоз қилиш борасида буйруқ олинди. Учувчилар мазкур жанговар вазифани аъло даражада бажаришди. Тўғри, бу ўринда уларнинг маҳоратини таъкидламасдан иложимиз йўқ. Аммо бу ютуқлар замирида жамоа командири турганлигини ҳам унутмаслик лозим. Хуллас, тажрибали командир қўл остидагиларга соҳа сир-асрорларини ўргатиб чарчамайди. Дарвоқе, подполковник Жанабоев истиқлолимизнинг 13 йиллик тўйида Президентимизнинг Фармонига кўра иккинчи даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланган.

### СУЛОЛАНИНГ ТЎНҒИЧИ

Мазкур жамоа ҳақида мақолалар ёзганимда кўпинча бир нарса эътиборимни тортади. Бу ҳам бўлса – ҳарбий сулолалар. Энг муҳими, сулолага айнан ушбу жамоада хизмат қилаётган ҳарбий асос солган бўлиб чиқади. Бу гал эътиборимни подполковник Одилбек Амруллаев асос солган ҳарбий сулола тортди. Таъкидлаш жоизки, бундайин сулолалар ҳарбий хизматнинг нуфузи, обрўси тобора ортаётганини, Ватан ҳимоячиси бўлишдек улкан орзу акадан укага ёки укадан акага «юқаётганини» кўрсатади.

Одилбек айни пайтда штаб бошлиғи вазифасида. У истиқлолга эришган йилимизда Киевдаги олий ҳарбий билим юртини тугаллаган. Илғор тажрибаларни ўрганиш, уни Қуролли Кучларимиз шаклланув йўлида сарфлаш учун 1997-1999 йилларда Германияда – Бундесвер академиясида ҳам таҳсил олиб қайтган. Укаси Солижон унга ҳавас қилиб, учувчиликни танлади. Бугун у майор унвонида. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаган Саиджон эса бугун капитан унвонида. Артиллерия хизматининг бошлиғи сифатида жамоасида хизмат қиляпти. Иноят акага фарзандларининг бугунги камолини – Ватан, эл-юрт ҳимояси йўлидаги мардонавор хизматларини кўриш насиб этмади. Аммо Русияхон ая доимо дуода. «Тўрт ўғил, бир қиз фарзандим бор. Қарангки, Одилбегимга ҳавас қилиб укалари ҳам ҳарбийликни танлашди. Ишқилиб, юртга хизмат қилиб, олқиш олишаётган экан, менга шунинг ўзи катта бахт», дейди онахон.

Штаб бошлиғи хонасига кириб борганимда у нимадир билан жиддий шуғулланаётган экан. Сўраб билсам, бошланган янги ўқув йилининг режалари бўлиб чиқди. «Ушбу ўқув йилида ҳам режаларимиз шундай тузилганки, жанговар шайлигимиз даражаси ортса ортадики, пасаймайди», дейди подполковник мийиғида кулиб. Унинг бу гапидан мен жамоаси тажрибасига, билимига ишончни ҳис қилдим. Қолаверса, яна бир гап. Мазкур режаларни тузиш, унинг ижросини назорат қилиш кўпроқ ўзининг зиммасида. Демак, офицернинг айтган гапида «яна янги довонларни забт этамиз», деган маъно бор.

### НАВБАТ – ЯКУНИЙ БОСҚИЧГА

«Энг илғор мутахассис» танлови Қуролли Кучларимизда кўтаринки руҳда ўтаётгани маълум. Округ босқичида ғолиб бўлганлар айни пайтда республика босқичига тайёргарлик кўришяпти. Шу жумладан, вертолётчилар жамоаси – тилга олинаётган ғолиб жамоанинг офицери капитан Рашид Қўлдошев ҳам. У Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларида «Энг илғор взвод командири» номинациясида ғолиб деб топилган. Энди ҳамма гап танловнинг якуний босқичида қолди.

Шу ўринда бу офицер хусусида қисқача сўз юритсак. Рашид 2000 йилда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини тугаллаган. Тажрибали учувчи, «Жасорат» медалининг соҳиби майор Сергей Харламов командирлигидаги эскадрильяда хизмат қилиб, анчайин тажриба тўплади, билимларини бойитди. Ҳозирда у эскадрилья штурмани вазифасида хизмат қилмоқда.

Капитаннинг ҳозиргача амалга оширган парвозлари 270 соатни ташкил этарқан. У бир неча бора тактик-ўқув машғулотларида қатнашган. Мураккаб об-ҳаво шароитларида парвоз қилиш ва қўниш илмини янада пухта эгаллашга бел боғлаган.

...Тунги ноқулай ҳавода парвоз этиш бўйича буйруқ олинди. Ерни кўриш мушкул, бунинг устига ҳавони қалин булут қоплаган. Тажрибали штурман махсус прибор, харита ёрдамида вазиятни ўнглаб, жанговар вертолётнинг муваффақиятли бошқарувини таъмин этолди. Бундайин мисолларни капитан Қўлдошевнинг хизмат фаолиятидан истаганча топиш мумкин.

«Парвозлар ҳаётим мазмунига айланиб қолган. Мусаффо осмонимиздан она заминни кузатиш кишига завқ бағишлайди. Танловга келадиган бўлсак, айни пайтда унга жиддий ҳозирлик кўряпман. Айниқса, тактика, Умумҳарбий низомлар бўйича билимларимни янада бойитишга ҳаракат қиляпман», дейди капитан Қўлдошев.

Болалигимизда кўпчилигимизда учувчи бўлиш, космонавт бўлишдек орзу пайдо бўлганди. Лавҳамиз қаҳрамонида эса бу орзу яшаб қолган, бугун ўз мевасини ҳам бермоқда.

### ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Парвозлар ердан бошланади, деган ҳақиқат бор. Бунинг замирида техникларнинг хизматлари ётади. Ахир, парвозлар хавфсизлиги бўйича асосий масъулият уларга юкланган-да.

Борт техниги катта лейтенант Андрей Тихе ана шулар жумласидан. У Жиззахдаги билим юртини 2001 йилда тугаллаб, мазкур қисмда хизмат қилиб келяпти. «Вертолётни парвозга тайёрлаш, унга зарур техник хизматларни кўрсатиш менинг асосий вазифам. Хатоликка йўл қўйишга ҳаққим йўқ. Шунинг учун мунтазам ўқийман, изланаман, устозлардан сабоқлар оламан», дейди у.

Катта лейтенант Фозил Соҳибов радиоэлектрон жиҳозлари гуруҳи бошлиғи. Авиатехниканинг жанговар шайлиги кўздан кечирилганда, алоқа воситаларига ҳам катта эътибор қаратилади. Фозил гуруҳидаги ҳарбий хизматчилар – техниклар лейтенант Шароф Канаев, шартнома бўйича хизмат сержантлари – Одил Исломов, Назир Жабборовлар билан биргаликда радиоэлектрон жиҳозларнинг мунтазам ишлашини таъмин этишади.

Фозилнинг вазифасини қандай бажаришини бироз кузатдим. Шлемофон симини улади. Радиостанцияни керакли тўлқинга тўғирлади. Текшириб кўриш мақсадида унинг парвозларни бошқарув пункти билан боғланишидаги аниқликни кузатди. Сигналларни қандай қабул қилишини текширди. Хуллас, кўнгли тўлгачгина, ишини ниҳоясига етказди. Унинг кўзларида «Ана энди парвозлар хавфсизлиги таъмин этилди», деган маъно мужассам эди.

Катта лейтенант Темур Даврукoв Фозил билан бир йилда Жиззахдаги олий ҳарбий билим юртини тугаллаган. Фақат соҳаси фарқ қилади. Темур авиация жиҳозлари катта техниги. Авиацияда «қора қути» деган тушунча бор. Лавҳамиз қаҳрамони ўша «қора қути»нинг ишлашини назорат қилади. «Агар учувчи парвоз маҳали бирон хатоликка йўл қўйган бўлса, плёнкага қараб туриб аниқлаймиз. Маълумотлар таҳлили парвозларнинг ҳар томонлама сифатли, бехатар бўлишини таъмин этишга хизмат қилади», дейди у.

Аэродромга борганимизда барча техниклар жам экан. Улар янги ўқув мавсумида ҳам илғорликни қўлдан бермаслик учун ҳаракат қилишаётганини дарҳол пайқадим. Буни эскадрилья муҳандиси майор Илҳом Изомовнинг берган изоҳи ҳам исботлаб турибди: «Техникани янги мавсумга тайёрлаш ишига доимо устувор эътибор қаратамиз. Техникларимизнинг касбий малакаси ошишига жиддий қараймиз. Биласиз, бошланган янги ўқув йилининг шиорида ҳам масъулиятли, юксак малакали бўлишга ишора бор. Буни яхши англаган ҳарбийларимиз мавсумни кўтаринки руҳда бошлашди. Эскадрильямиз жамоада биринчи ўринни эгаллаганди. Шунга муносиб бўлишга ҳаракат қилишяпти, шунқорлар».

Жамоада метеорология хизматининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу борадаги иш жараёнини кузатиш учун борганимизда, хизмат бошлиғининг ўринбосари майор Илҳом Шариповга дуч келдик. «Ҳозиргина Тошкентдан об-ҳаво ҳақидаги сўнгги маълумотларни олдик. Энди бу маълумотларни таҳлил қилиб, командирга, учувчиларга етказамиз. Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда бизнинг хизмат ўзига хос аҳамиятга эга. Масалан, қалин туман тушиши борасида маълумотга эга бўлдик, дейлик. Командир вазиятни таҳлил қилиб чиқиб, шунга мувофиқ қарор қабул қилади. Учувчилар мураккаб об-ҳаво шароитида парвоз қилиши лозим бўлса, шунга яраша буйруқ, кўрсатмалар олишади».

### МУРАККАБ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА

Вертолёт командири капитан Санъат Насимовни бемалол жамоанинг фахри, дея оламиз. У айни дамда учинчи тоифага эга учувчилардан. Ҳозиргача унинг парвозлари 300 соатга тенглашган. Илгари штурман вазифасида эди. Яқиндан бошлаб у вертолёт командири. Биз унинг янги ўқув йилидаги мақсадлари ҳақида сўрадик.

– Мураккаб об-ҳаво шароитида парвозларни амалга оширишни пухта эгаллашни олдимга мақсад қилиб қўйганман. Бунинг учун аввало учувчи парвоз олдидан радиоприборларнинг ишлашини яна бир бор текшириб кўриши лозим. Масалан, компас, навигациявий мосламаларни кўздан кечирамиз. Метеорологик шароитни аниқ ва ўз вақтида баҳолай билишимиз керак. Мана шу сингари билим ва тажрибаларни пухта эгалласам, айни ўқув мавсумида мураккаб об-ҳаво шароитида парвоз қиламан.

Парвозларни бошқариш марказидамиз. Унга подполковник Жамолиддин Рўзиев етакчилик қилмоқда. Унинг ёнида ёрдамчиси капитан Равшан Ёқубов ва навбатчи штурман майор Рустам Билолов бор. Экипаж парвоз учун рухсат сўради. Ниҳоят, сара лочинларимиз бошқараётган вертолёт кўкка кўтарилди. «Мовий, мусаффо осмонимиз узра эркин парвоз қилаверинг. Сизларга барча ҳавас қилсин. Парвозларингиз бехатар бўлсин», дейман хаёлан.

### ҚАНОТЛАРИ МУСТАҲКАМ

Вертолётчилар жамоасининг ғолиб бўлишида подполковник Карим Турсунов командирлик қилаётган авиатехник база шахсий таркибининг ҳам улкан ҳиссаси бор. Ахир, аэродромни қўриқлаш, озиқ-овқат, техник ва бошқа таъминот уларнинг қўлида-да. Таъкидлаш жоизки, ушбу жамоа ҳам ўқув йили якуни бўйича энг илғор база сифатида вимпель билан тақдирланган.

Командирнинг ўринбосари майор Илҳом Хидиров етакчилигида лейтенант Шерзод Авазов вақтинча командирлигидаги қўриқлаш взводига бордик. Қоровул бошлиғи катта лейтенант Беҳзод Султонов қоровуллар оддий аскар – Илҳом Болтабоев ва Ўктам Пирназаровга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтираётган экан. «Фақат қоровул бошлиғи, қоровул бошлиғи ёрдамчиси ва соқчи бўйсунадиган тарқатувчи сизларни алмаштириш ҳуқуқига эга. Сергак хизмат қилишларингиз, ҳеч нарсага чалғимасликларингиз, куролни қўлдан қўймаслигингиз талаб этилади».

Четдан туриб уларни кузатар эканмиз, ҳамроҳим «аэродромни қўриқлашдек улкан масъулият ана шу ўғлонларимизнинг қўлида. Уларнинг ҳушёрлиги, сергаклиги сабаб, ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодисалар бўлаётгани йўқ», дея қўшиб қўяди.

Взводнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар хонасига кирамиз. Бу ерда аввало эътиборимизни тортгани Конституциямиз қабул қилинган кунга тайёрланган адабиётлар кўргазмаси бўлди. Бундан ташқари Акмал Исломов ва Ғайрат Каримов сингари оддий аскарлар байрамга бағишлаб деворий газета тайёрлашган. «Янги ўқув йилининг илк машғулотларини ҳам бошладик. Жамоамиз айниқса ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда фаол бўлаётир», дейди оддий аскар Акмал Исломов.

Спорт залида посбонларнинг жисмонан баркамол бўлишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Бу ерда ўндан зиёд машқларни бажаришга мўлжалланган тренажёрлар бор. Режа асосида ва бўш вақтларида улардан посбонлар бемалол фойдаланишиб, мушакларини тоблашяпти.

Қуролли Кучлар хизматчиси Людмила Шахбозова етакчилик қилаётган қисм кутубхонасида ўзбек тилидаги абадиётлар кўпайганини сездик. Давлат тилимиздаги ранг-баранг адабиётлар китобхон посбонларни ҳам кўпайтираётгани қувонарли ҳол.

Хуллас, ғолиб жамоанинг ютуқлари хусусида узундан-узоқ ҳикоя қилишимиз мумкин. Аммо мухтасар қилиб, хулосаларни айтадиган бўлсак, жамоа шахсий таркибининг жанговар фаолиятини кузатиб туриб, уларнинг қалби миллий истиқлол мафкурасидан нафас олаётганини ҳис қилдим. Уларда Ўзбекистонидан, истиқлолидан, ўз армиясидан фахрланиш ҳисси юксаклигини сездим. Ҳа, сара лочинларимиз қанотлари мустаҳкам. Чунки улар Ватанга муҳаббат, садоқатдан яралган. Демак, бу қанотлар билан ҳали юксак-юксак марралар забт этилаверади.

**Майор Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ**
**суратга олган.**

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!




Дилярфруз Абдуллаева в этом учебном году является учащейся второго курса академического лицея при Узбекском государственном университете мировых языков.

Ее заветная мечта – стать студенткой вышеназванного университета. К выбранной цели, девушка идет уверенной поступью, не останавливаясь перед трудностями.

Общительность, справедливость, честность плюс обаяние помогают Диляфруз всегда находиться среди верных и преданных друзей. У нее практически не бывает свободных, бесполезных минут. Потому что, как только выпадает свободное время, она читает художественные книги или же слушает музыку.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10x15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

### В МИРЕ РЕКОРДОВ

- Согласно данным ежегодного отчета журнала «Foreign Policy», в 2003 году в мире появилось 130 млн. новых пользователей Интернета. В общей сложности, в Сеть имеют доступ 620 млн. человек, или 9,9% населения Земли. При этом основной прирост пришелся не на индустриально развитые, а на развивающиеся страны. Например, за год число пользователей Интернета в Индии выросло на 136%, а в Бразилии – почти на 79%.
- Руководители корпорации «MCI» (более известная под старым названием WorldCom) поставили рекорд по превращению убытков в прибыток. Второй по величине оператор дальней связи США присовал в своей бухгалтерской отчетности $74,4 млрд. несуществующей прибыли, чтобы скрыть от акционеров и партнеров убытки в 64,5 млрд.
- Большинство американцев выступают против создания единой общемировой валюты. Опрос, проведенный организацией «The Single Global Currency Association» показал, что лишь 9% жителей США безусловно поддерживают эту идею. 19% готовы принять ее с оговорками. 42% американцев категорически против подобных нововведений. Введение единой мировой валюты имеет наибольшую популярность у молодежи и людей с низким уровнем достатка.

КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Шоир Ямин Қурбон ижодида қўшиқ қилиб куйланишга мўлжалланган шеърлар ҳам талайгина. Айниқса, улар ичида она Ватанга меҳр ва садоқат, муҳаббат, юрт посбонлари мавзуси етакчилик қилади. Унинг қуйидаги ижод намунаси шулар жумласидандир.

### ЁВГА ШАФҚАТ ЙЎҚ
### (марш)

Огоҳ бўл, эй, ўғлон, ақлингни чархла,
Ташлаши мумкин ёв пинҳоний қармоқ.
Зарба бер ўн бора, берса бир зарба,
Жисмига сол мисли момақалдироқ:
Қўрқувдан чақнасин қалбида чақмоқ.

Заҳарли илондек ўта маккор у,
Бармоғинг тишлатар янчмасанг бошин.
Қувончинг ўрнини босгувси қайғу,
Отгай у руҳингга андуҳлар тошин;
Жилғадек оқизгай ҳамюртинг ёшин.

Бўлмаган ҳеч қачон пок ниятга эш,
Мақсади: кўрмакдир айшу фароғат.
Рўбарў келдими, ғалвир қилиб теш,
Бошидан ёғдириб дўлдайин офат,
Ёвни ер тишлатмоқ айни адолат.

Юртни бил, элни бил кўзинг қораси,
Қонингда жўш урсин инсоний виқор.
Зарбангдан йитсин ёв ёвуз ғояси,
Йитсин ёв, бўлсин ит ўлигидек хор.
Дилларда мангу қол бўлиб ифтихор.

## КАК ЗАРОЖДАЛАСЬ СТАЛЬ...

**Едва люди научились ковать, сразу возник вопрос, как сделать кузнечное изделие прочным, острым и гибким**

Довольно быстро догадались полосу высокоуглеродистой стали оковывать с двух сторон полосами железа или же низкоуглеродистой стали. Такой «пирог» кузнец расковывал до тех пор, пока центральная полоса его становилась не толще листа бумаги. Получалось следующее – боковые, более мягкие края по мере пользования стирались, а более крепкая режущая кромка не только сохранялась, но и как бы вылезала наружу.

Индийцы, а вслед за ними также арабы и персы, пошли дальше. Они взяли такой «пирог», сложили его пополам, проковали, затем растянули и перекрутили. Повторили эту процедуру сотни раз и получили слоистую и высокопрочную сталь – ту самую, которую нынче принято называть дамасской. Эта сталь была твердая, но хрупкая, тогда как железо, которое добавляли в «пирог», – мягкое, но вязкое. Клинок был одновременно и жестким и гибким. К тому же слоистая композитная структура металла позволяла мастеру, не боясь за изделие, закаливать его до более высокой твердости.

Резали дамасские клинки отменно – причем по причине своей слоистости. К тому же был дамасск еще и фантастически красив. Если кузнец протравливал клинок слабым раствором кислоты, на нем начинал выявляться крученый узор слоев, проступающих на поверхности клинка.

Что касается булата, он тоже является композитом, химически и физически неоднороден, но изготавливали его совсем по другой рецептуре. Булат варился в тиглях, куда мастер закладывал высокоуглеродистую сталь и флюс (мел, известь, доломит или обычный песок).

Но не надо думать, что в варке и заключается весь секрет булата. Тайна или, что точнее, тайны, булатных сталей кроется не только в их строении, обусловленном технологией выплавки, но и в особенностях кристаллизации, остывания, ковки, обработки, закалки. Причем для каждой разновидности булата у разных мастеров своя технология и свои секреты. Правда, основным – почти все мастера считают естественную дендритную кристаллизацию булатного слитка.

Управлять этим сложнейшим процессом могут единицы. Один только характер кристаллизации зависит от целого ряда факторов: шероховатостей стенок тигля или изложницы, температуры металла, его цвета, скорости охлаждения, состава металла, степени его чистоты и многого другого. Ошибка мастера приведет к тому, что булат превратится в кусок обыкновенного чугуна. А посему булат – это прежде всего технология, а не химический состав металла. Как ее применять – в том и состоит главный секрет настоящего булата.



ТЕСТ



**Любой человек от рождения талантлив. Но только не всем повезло реализовать свои способности. Учителя и родители не всегда могут распознать в детях будущих артистов, ученых или спортсменов. Кем вы могли бы стать, если бы талант, данный вам при рождении, вовремя заметили и стали развивать? Даже если ваш профессиональный выбор уже сделан, никогда не поздно узнать о себе что-то новое. Предлагаемый тест поможет вам «вычислить» собственные возможности.**

## КЕМ БЫ ВЫ МОГЛИ СТАТЬ В ЖИЗНИ?

**1. Что вы в детстве хотели получить на свой день рождения?**

А. Мяч, прыгалку (10 баллов).
В. Книжку (20 баллов).
С. Цветные карандаши, куклу, машинку (30 баллов).

**2. В какие игры вы любили играть больше всего?**

А. Салочки, догонялки (10 баллов).
В. «Войнушка» (15 баллов).
С. «Доктор и больной» (25 баллов).
Д. Строить замки в песочнице, делать «секретики» (30 баллов).

**3. Кого из этих людей вы назвали бы личностью?**

А. Че Гевара (10 баллов).
В. Индира Ганди (20 баллов).
С. Уинстон Черчилль (25 баллов).
D. Петр I (30 баллов).

**4. Какая книга в детстве вам казалась самой трогательной?**

А. «Тимур и его команда» (10 баллов).
В. «Дюймовочка» (15 баллов).
С. «Серая шейка» (20 баллов).
Д. «Робинзон Крузо» (30 баллов).
Е. «Снежная королева» (30 баллов).

**5. В какой комнате вы чувствуете себя лучше всего?**

А. В гостиной (10 баллов).
В. На кухне (15 баллов).
С. В зале (20 баллов).

**6. Верите ли вы в судьбу, в божественное провидение?**

А. Нет (10 баллов).
В. Да (20 баллов).

**7. С кем из этих людей вы хотели бы поговорить.**

А. Сталин (10 баллов).
В. Екатерина Великая (15 баллов).
С. Шекспир (20 баллов).
Д. Жак Ив Кусто (25 баллов).
Е. Нострадамус (30 баллов).

**8. Что, по-вашему, самое главное в жизни?**

А. Любовь (10 баллов).
В. Хорошая семья (15 баллов).
С. Вера в Бога (20 баллов).
Д. Точно знать, чего хочешь, и двигаться к этой цели (25 баллов).
Е. Реализовать себя (30 баллов).

**РЕЗУЛЬТАТЫ:**

**80–99 БАЛЛОВ:** У вас явные способности к спорту. И сейчас еще не поздно заняться физкультурой.

**100–109 БАЛЛОВ:** Вы еще не самый богатый человек страны? Деньги – ваша стезя. Правильно применив свой талант, вы добьетесь многого, и огромная прибыль поплывет вам в руки.

**110–119 БАЛЛОВ:** Гениальный врач – вот кто мог бы из вас получиться. От рождения наделены даром целителя, вы принесли бы много пользы человечеству. Ваши руки можно назвать «золотыми». Жаль, если они занимаются не своим делом.

**120–139 БАЛЛОВ:** Педагогика – ваше истинное предназначение. Если вы еще не стали учителем, не даете частные уроки, не ведете кружок – вы очень обделяете себя и других.

**140–149 БАЛЛОВ:** Ваше призвание – семья. Если вы еще никого не осчастливили своим предложением или согласием, скорее сделайте это.

**150–159 БАЛЛОВ:** Храбрый воин, отважный полководец – вот кем вы могли бы стать.

**160–174 БАЛЛОВ:** Судьбой было предназначено вам стать человеком искусства. Но реализовать потенциал никогда не поздно. Выпустите творческую энергию на свободу!

**170–179 БАЛЛОВ:** Вы – прирожденный политик, возможно, даже руководитель государства. Может, и ваше лицо скоро будет часто появляться на телеэкране.

**180–189 БАЛЛОВ:** У вас талант к естественным наукам. Вы могли бы стать крупнейшим ученым, объяснить человечеству, как устроен мир.

**190–199 БАЛЛОВ:** Вам стоит посвятить себя природе. Из вас мог бы получиться великий садовник, ботаник, зоолог.

**200–209 БАЛЛОВ:** У вас склонность к азартным играм. На роду написано богатство, добытое в лотерее или казино. Так ли надо испытывать судьбу?

**210 БАЛЛОВ И БОЛЕЕ:** Вы – прирожденный волшебник. Интуиция вас никогда не подводит. Вы можете видеть вещие сны, предвидеть будущее. Вы могли бы стать прорицателем, ясновидящим. У вас духовный талант. И его стоит развивать.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## «ҚАНОТЛИ ИБОРАЛАР» ТАРИХИДАН

Эътибор берган бўлсангиз, хизмат жараёнида ёки дўстлар даврасида суҳбат қизиган вақтда машҳур иборалардан фойдаланамиз. Вақтида ишлатилган ибора гапимизнинг мазмунли, таъсирчан бўлишига ўз ҳиссасини қўшади. Аммо сиз ана шундай машҳур иборалар тарихи билан ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? Агар уларнинг келиб чиқиш тарихига назар ташласангиз, кўпинча биз бу «учқур сўзлар»ни ножоиз қўллаётганлигимизга ҳам гувоҳ бўлишингиз мумкин. Қуйида ана шундай машҳур иборалар тарихидан сизга бироз маълумот беришни ўзимизга мақсад қилдик.

«Афлотун – дўстим, аммо мен учун ҳақиқат устун». Юнон файласуфи Афлотун (милоддан аввалги 427-347 йиллар) «Федон» асарида Суқротга мурожаат қилиб: «Менинг орқамдан эргашиб, Суқрот ҳақида камроқ, ҳақиқат тўғрисида эса кўпроқ ўйла», деб ёзган. У билан баҳсга киришиб, Арасту: «Менга дўстларим ҳам, ҳақиқат ҳам қадрли, аммо бурч ҳақиқат тарафида бўлишни тақозо қилади», деб жавоб берган. Лютер (1483-1546) эса, «Афлотун – дўстим , Суқрот ҳам дўстим, лекин ҳақиқатни афзал кўраман», деган. Ана шу фикрларни умумлаштириб, Сервантес «Дон-Кихот» романида (1615 йили) «Афлотун – дўстим, аммо мен учун ҳақиқат устун» деган.

«Вақт бу – пул». Бу гапни илк бор америкалик олим ва сиёсат арбоби Вениамин Франклин (1706-1790) «Ёш савдогарга маслаҳат» асарида айтган. Франклиннинг бу фикри ишбилармон, тадбиркор, банкир ва савдогарларнинг шиорига айланиб қолган.

«Давлат бу – мен». Айрим тарихчилар бу гапни биринчи марта Франция қироли Людовик XIV (1643-1715) парламент мажлисида айтган деб, баъзилари эса бу ибора Англия қироличаси Елизаветага (1558-1603) тегишли деб ҳисоблайди. Бу тушунча давлатни, ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, мавжуд қонунларни оёқости қилиб, зўравонлик билан бошқаришни ифодалайди.

«Вақт бизнинг фойдамизга ишламоқда». 1866 йили Англияда ишчиларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураши авж олган бир шароитда парламентдаги музокараларда сўз олган бўлғуси бош вазир В.Гладстон (1809-1898) ишчиларнинг сайлов ҳуқуқини ҳимоя қилиб, консерваторларга мурожаат қилар экан «Вақт бизнинг фойдамизга ишламоқда», деган.

«У барибир айланади». Бу фикр буюк итальян астрономи ва механиги Галилео Галилейга (1564-1642) тегишли. Ернинг айланиши тўғрисидаги таълимотни ҳимоя қилиб чиққан астрономни инквизициянинг диний суди даҳрийликда айблаб, адолатсиз равишда жазога ҳукм этганида, олим алам ва туғён билан «У барибир айланади!» деб қичқирган. Бу фикр кейинчалик бирор нарсага тўлиқ ишонч ва мустаҳкам эътиқодни ифодалай бошлаган.

«Троя оти» ёки «данайлар ҳадяси». Бу ибора юнонларнинг Троя урушлари тўғрисидаги ривоятларидан келиб чиққан. Данайлар Трояни узоқ вақт қамал қилиб, уни қўлга кирита олмаганларидан кейин айёрлик ишлатади. Шаҳар дарвозаси олдида ёғочдан улкан от бунёд этади ва ўзларини қайиқларга тушиб қирғоқдан чекинаётгандек қилиб кўрсатади. Троялик машҳур чавандоз Лао Коон, ёғочдан ясалган ясама отни кўриб, «Ҳадя келтирсалар-да, данайлардан қўрқаман» деб трояликларни хавф-хатардан огоҳ этади. Аммо трояликлар унинг гапига қулоқ солмасдан, ёғоч отни шаҳар ичкарисига олиб киради. Қоронғи тушгандан сўнг данайлар ёғоч от ичидан чиқиб, қоровулларни ўлдириб, шаҳар дарвозаларини очади ва асосий қўшин шаҳарга кириб, трояликларни тор-мор қилади. (Бу воқеалар тафсилоти Хомернинг «Одиссея» ва Вергилийнинг «Энеида» асарларида мавжуд). Шу муносабат билан «Троя оти» деган ибора келиб чиққан. У яширин ва ёвуз ният тимсолига айланган. Худди шунингдек, «Данайлар ҳадяси» ҳам фалокат рамзи сифатида бу совғани олувчиларнинг ҳалокати тимсолига айланган.

**Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.**

(Давоми бор).

## БИР ЗУМДА 21 ТА АСАР?!

Паранормал ҳодисалар бўйича мутахассислар ўлимдан кейин инсон руҳи тирик инсонлар билан алоқага кириша олади, деб тасдиқлайди...

Парапсихологлар таниқли рассомларнинг руҳи медиумлар ёрдамида чизган суратларни бунга мисол қилиб келтиради. Ана шундай алоқачилардан бири бразилиялик Мария Гертруда Коэльо ҳисобланади. Бу аёл ҳеч қачон чизишни ўрганмаган ва ўзини рассом деб ҳам ҳисобламайди. Лекин у ҳақиқий асар яратиши учун ёғли бўёқлар жамланмаси, бўз мато ва ўзини чуқур карахтлик ҳолатига тушириш кифоя.

Коэльо хоним Веласкес, Ван Гог, Ренуар, Матисс каби буюк усталарнинг ижод намуналарини ҳайратланарли аниқлик билан кўчиради. Ҳатто, асар муаллифларининг дастхатлари ҳам айнан ўхшаш. Мариянинг ўзи қўлларини айнан буюк рассомларнинг руҳи бошқаришини таъкидлайди. Ажабланарлиси, хоним суратларни чўтка ёрдамида эмас, балки бармоқларини бўёқларга ботириб-ботириб чизади. Асарни яратиш тезлиги эса бошқа рассомлар билан таққосланганда, ақл бовар қилмас даражада юқори.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолат эгаси бразилиялик парапсихолог Луис Гаспареттодир. У ўзини карахт ҳолатга тушириб, телекамера қаршисида тезлик билан бир зумда 21 та расм чизди. Тадқиқотчилар бу асарларнинг Дюрер, Ренуар, Сезанн ва Пикассо каби довруқ қозонган рассомлар ижод намуналари билан рақобатга киришадиган даражада эканини таъкидлашди. Қизиғи шундаки, медиум бир пайтнинг ўзида иккитадан асар чизган. Ўзининг айтишича, бу пайтда чап қўли билан бошқа, ўнг қўли билан бошқа буюк рассом руҳи ижод қилган эмиш!

Тўғри, юқоридаги каби ҳодисалар камдан-кам ҳолларда юз беради. Негаки, Коэльо ва Гаспареттонинг сўзларига кўра, руҳлар билан ҳар доим ҳам алоқа ўрнатиб бўлавермайди. Парапсихологлар эса бу ҳолни алоқа ўрнатиш имконияти ҳамма вақт ҳам медиумларга боғлиқ эмас, деб изоҳлайдилар. Уларнинг фикрича, мазкур ҳодиса кўпроқ латиф оламдан ахборот импульсларини вақти-вақти билан ўтказмай қўядиган алоқа каналининг жисмоний ҳолатига боғлиқ экан. Акс ҳолда суратлар бозорини машҳур рассомларнинг шоҳ асарлари босиб кетган бўларди.

Выставки

# СТРАНИЦЫ ИСТОРИИ НАШЕЙ...

Накануне праздника – Дня Конституции – в Выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил Республики Узбекистан открылась персональная выставка известного фотомастера Сергея Спиридонова. Здесь представлено более 50 его работ. Тематика их разнообразна – «Узбекистан – мой край родной», «Присяга», «Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан», «Военный оркестр» и многое другое.

Свыше сорока лет Сергей Николаевич увлекается фотоискусством. Вечный поиск сюжета, героя, личности – вот отличительная особенность его творчества. В каждой фотографии запечатлен один из моментов истории развития нашего государства. В нем сила и дух современной эпохи, в нем человек, самоотверженно строящий великое будущее любимой Родины.

Немалое место в творчестве С.Спиридонова занимает ретроспектива реформы Вооруженных Сил нашей страны. В каждом кадре читается и видится боевой дух и самоотверженность солдата, сержанта и офицера. Мастер показывает ратный труд военнослужащего со знанием дела, без натяжек, но исподволь подчеркивает его великую значимость в государственном масштабе.

Практически с момента образования Вооруженных Сил нашей страны Сергей Николаевич связал и свою судьбу с армейскими буднями. Уже долгое время он работает фотографом в Академии Вооруженных Сил. Не случайно стал лауреатом II Всеармейского конкурса художественного творчества военнослужащих, различных республиканских и международных фотоконкурсов и выставок. Регулярно публикуется в средствах массовой информации, участвует в оформительских работах.

«В чем сила фотоискусства?» – может спросить кто-то из читателей. Отвечу маленьким повествованием вполне земной истории. В момент торжественного открытия выставки один из первых ее зрителей – солдат срочной службы – не совсем решительно попросил Сергея Николаевича подойти к одной из фотографий. «Это наша присяга?! – удивлялся и торжествовал одновременно парень. – Рахмат вам!» Его искренняя благодарность была лучшей оценкой. Она для мастера и профессионала была сродни Гран-при большого и значимого конкурса.

Подполковник
Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.



# КОНСТИТУЦИЯМИЗ – КЕЛАЖАГИМИЗ

Мамлакатимизда давлатимиз Конституциясининг 13 йиллиги нишонланмоқда. Қомусимизга бағишланган тантаналарни ҳар бир ўқув даргоҳи, ташкилот ва корхона, маданият масканларида учратиш мумкин. Мана шундай тадбирлардан бири Республика Давлат болалар кутубхонасида бўлиб ўтди.

Барчамизга маълумки, бу маънавият, маърифат ўчоғи доимо юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлод билан гавжум. Шу сабабли болалар кутубхонаси ходимлари томонидан ўтказилган «Конституция тақдиримизда» давра суҳбати ҳам айнан болажонлар иштирокида ўтказилди. Тадбирда Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим мудири Обид Сафаров, Республика прокуратураси ходими Светлана Ортиқова, Ҳамза номли Республика мусиқа коллежи талабалари ва мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Айтиш жоизки, ёш авлодга давлатимиз эътибори жуда юқори. Улар биринчи навбатда Конституциямизнинг 41-моддасида белгиланганидек, бепул таълим олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари эса давлат ҳимоясидадир. Бу борада давлатимиз раҳбарияти Қомусимизга сингдирилган барча мажбуриятни амалга оширмоқда. Ўз навбатида юртимиз фарзандлари ҳам зиммаларига юклатилган мажбуриятларини унутмасликлари лозим.




Яъни яхши ўқиш, фойдали касб ва ҳунар эгаллаш, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиш. Давра суҳбати айнан мана шу мавзуда олиб борилди. Айниқса Республика прокуратураси ходимининг баъзи ўсмир ёшларнинг жиноятчилик йўлига кириши ва унинг оқибатлари ҳақидаги суҳбати болаларни бефарқ қолдирмади.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими Қомусимизга бағишланган суҳбати ва болалар билан қилган савол-жавоблари орқали уларнинг ҳуқуқий билимлари синовдан ўтди, десак янглишмаймиз.

Албатта, бизнинг ҳар бир байрам ва улуғ кунларимизни қўшиқ-куй ва шеърхонликсиз тасаввур этиш қийин. Бу тадбирда ҳам Ҳамза номли республика мусиқа коллежи талабалари гўзал қўшиқлар ижро этишган бўлса, кутубхонанинг фаол китобхонлари томонидан тайёрланган Конституция кунига бағишланган бадиий композициялар барчанинг эътиборини тортди. Конституциямизга, у орқали эътироф топган, давлат тили мақомини олган тилимиз, давлатимиз рамзлари бўлган байроқ, гербимизга бағишланган шеърлар янгради.

Қомусимиз бор бизнинг
эзгуликни оқловчи,
Халқимиз унга содиқ
ҳар бандини ёқловчи...

Ҳа, халқимиз мана ўн уч йилдирки, эзгуликка йўғрилган ўз Конституциясига эга. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимиз бундай тадбирлар орқали жамиятимизда, ҳар бир оила ва фуқароларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Қомусимизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси эканлигини чуқур англай оладилар. Кутубхона ходимлари таъкидлаб ўтганидек, болажонлар билан ушбу давра суҳбатини ўтказишдан мақсад, Конституцияни фақат ёддан билиш эмас, балки унинг моҳиятини теран англаб, унга итоат этишлари ва уни ҳурмат қилиб, хизмат қилишлари учундир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

# ХАЗОН БАРГЛАРИДАГИ ТАСВИР ЖИЛОСИ

Йил бўйи бир хил рангда ўз гўзаллигини оламга ёйган табиат, куз келиши билан гўёки, сўнгги чиройини кўз-кўз қилмоқчидек, турфа рангдаги жимжимадор либосини кияди. Эътибор берсангиз, куз келиши билан дов-дарахтлар барги ҳар хил тусга кириб, рассом бор маҳоратини ишга солиб яратган асари сингари бир сония бўлсада, диққатингизни ўзига тортади. Шунда «Бунинг гўзаллигини қаранг!» деган сўз ўз-ўзидан қалбингизда кечиши шубҳасиз. Бундай пайтда табиат бетакрор чиройини намойиш қилиш баробарида, ижодкор дилига чўғ солади. Қалбининг туб-тубида ётган янги-янги ғояларини алангалатади. Унга илҳом бағишлайди. Табиат барча ижодкорлардан ҳам кўра япониялик рассом Казио Акасакининг қалбини ўзига ром этган кўринади. У беназир гўзалликларга бой табиатга шу қадар меҳр қўйганки, буни ижодкорнинг қилаётган ишидан ҳам сезиш қийин эмас. Унинг оддий хазон баргларидан яратган расмларига кўзингиз тушар экан, бундай санъат асарларидан ҳайратга тушмай ҳеч иложингиз йўқ. У сурат яратишда ҳеч қандай бўёқ ишлатмайди. Асарининг ҳар бир бўлагини турли рангдаги баргларнинг уйғунлиги асосида яратади. Шуниси қизиқки, «барглар рассоми» ўз ижодиёти учун хомашё излаб махсус дўконларга бориб ўтирмайди. Табиат унга керакли материалларни инъом этади. Казио Акасаки ҳозир 65 ёшда. У бундан 20 йил аввал ўрмон ичида саёҳат қилиб юрган пайтда тўпланиб қолган турли рангдаги хазон баргларни кўриб ажойиб ғояни кашф этганди. Ўшанда Казио ҳали ҳеч бир санъат асарларида учрамаган туб бурилишни ихтиро қилди. Янги санъат турини томошабинларга тақдим этишдан олдин биринчи навбатда ўз асарларини ҳашаротларга ва шу каби турли заракунандаларга қанчалик чидамли эканлигини текшириб кўриш учун 5 йил уларни синовдан ўтказади. Дастлаб у ҳар бир баргни ҳашаротлар зарар етказмаслиги учун махсус кукунлар ёрдамида ишлов бериб, сўнгра уларни уч йил мобайнида асраб қўяди. 40 дан ортиқ турли хилдаги япроқлардан иборат бўлган тўпламда унга керакли бўлган барча ранглар жилолари мавжуд. Масалан, яшил рангни ошқовоқ баргларидан ва шунга ўхшаш бошқа рангларни табиат инъомларидан олади. Унинг ишлатадиган асбоб-ускуналари ҳам жуда оддий. Рассом баргларни керакли бўлакларга бўлиш учун қайчи ва пичоқдан фойдаланади. Шундан сўнг уларни елим ёрдамида ёпиштириб чиқади. Асардаги рангларни келтириб чиқариш учун ҳар бир бўлак алоҳида шаклларда олинади. Бир қараганда рассомнинг ишлари оддий бўлиб туюлса-да, у инсондан ниҳоятда катта сабр-тоқат талаб қилади. Биргина асарни тугатиш учун унга камида олти ой вақт керак бўлади.

Жаноб Акасаки ҳозирга қадар 150 та баргли суратларни яратди. Уларнинг кўпчилиги кўрик-танловларда махсус совринларни ҳам қўлга киритган. Куз барглари кўпинча инсонларда тушкун кайфиятни келтириб чиқаради. Шу боис ижодкор ўз асарларида мана шундай кайфиятни акс этган мавзуларни танлайди.

– Тўкилган баргларнинг ранглари, шакллари жуда ажойиб, – дейди рассом. – Уларни ўз рангида сақлаган ҳолда ишлатишни ёқтираман.

Акасаки экология учун жуда фойдали бўлган ушбу санъат турини кўпроқ инсонларга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У ушбу машғулот санъатнинг бир йўналиши сифатида мактабларда, боғчаларда болаларга ўргатилишини умид қилади.

«Ватанпарвар» мухбири
Комилжон ҲАСАНОВ тайёрлади.

«Ватан ягонасан дилимда доим!» танловига

# СЕН БОРКИ, МАВЖЛАНАР КЎКСИМДА ҒУРУР



Сафар ОЛЛАЁР
Ватан, ватанпарварлик, муҳаббат мавзусида ёниб ёзаётган ёш шоирларимиздан. Унинг «Ишқ йўли», «Умид ўзани», «Нафис идрок» номли китоблари чоп этилган.

## АЗИЗИМ, ВАТАН

Ватан!
Саждагоҳим!
Сенсиз мен кимман?!
Сен борки, мавжланар кўксимда ғурур.
Шояд баҳрамандман азиз меҳрингдан,
Сенсиз этолмасман ўзни тасаввур.

Йироқда мусофир миллатдошимнинг
Куйик ноласида кўраман Сени.
Ёнимга боққанда ҳар юртдошимнинг
Суюк боласида кўраман Сени!

Қалбимнинг тўрида гўзал сийратинг,
Кўзим гавҳарида сувратинг турар!
Бағрингдаги оташ шу ҳароратинг
Боладай эркалаб, дилни яйратар.

Дилкаш оғушингда эркин яшасам,
Мен яна нимани кутайин Сендан.
Сен ҳам юрагимда мангу яшайсан,
Суянчим,
Севинчим,
Азизим, Ватан!!!

●

Ҳиссий жўшқинликлар ёшликка хосдир,
Лолагун чеҳралар учун аталган.
Кўнгилга туйғулар ҳамиша мосдир,
Валекин ранг олур мудом даврдан.

О, менинг давроним – нечоғли шиддат,
Ҳисларим рангига ранглар индирдинг.

Чекинди гумроҳлик,
Чекинди ғафлат,
Бошимга озодлик туғин қўндирдинг!

Мен бу кун кичкина ишорат билан
Курраи заминга ташлайман одим.
Онажон, Сиз менга омадлар тиланг –
Улкан парвозларга етсин имконим.

Шодлансин муаззам боболар руҳи,
Ушалгай азалий орзу ва ҳавас.
Тоғдай кўтарилгай юртим шукуҳи,
Ахир қанча дўстлар ҳамкор, ҳамнафас...

Ҳиссий жўшқинликлар инсонга хосдир,
Лолагун чеҳралар учун аталган.
Кўнгилга туйғулар ҳамиша мосдир,
Шу боис ранг олур мудом даврдан!

## ЭЗГУЛИК

Мен сенга энг узун шодлик тилайман,
Ҳеч узилмас бўлсин унинг риштаси.
Бироқ шундайлар бор,
Алам дастидан
Қирқишга ўрганган – қайчи устаси.

Билмадим, не истар, муддаоси не,
Ва ёхуд нимадан аламланган у.
Не боис безовта,
Иддаоси не,
Нечун юрагида бунчалар ғулу.

Омад деганлари мудом барҳақдир,
Демак, омадсизлик degани ҳам бор.
Кимники эъзозлаб,
Сийласа тақдир –
Ҳавас қилмоқ керак, ҳасад на даркор?!

Мен сенга ана шу хислатни тилаб,
Огоҳлик соқчиси ёр бўлсин, дерман.
Эзгуликка фақат эзгулик улаб
Яшамаган кимса хор бўлсин, дерман.

# ШУТКА

## РАССКАЗ-БЫЛЬ

Разные люди живут в нашем кишлаке – высокие и маленькие, толстые и худые, злые и веселые. Но всех их объединяет родной кишлак, широкие просторы полей, милое сердцу журчание воды в арыках, одинаковый уклад жизни. А мужчин нашего кишлака объединяет еще и чайхана. Старинная, с крышей, поддерживаемой столбами, выточенными из столетних чинар, с треснувшими, потемневшими от времени пиалами и огромным медным самоваром, помнившим, наверное, еще наших дедушек, она была достопримечательностью нашего кишлака. Неторопливая беседа за пиалой традиционного кук-чая, иногда прерываемая взрывами хохота, – это был каждодневный здешний вечерний ритуал. Каждый мальчишка мечтал поскорее вырасти, чтобы занять отведенное лишь ему место, чтобы послушать мудрые речи стариков, веселый гогот отцов и перешептывание молодежи, обсуждающей достоинства девушек.

Жили в нашем кишлаке два особенных человека – огромного роста, с большущим животом Киргизбай-палван и его лучший друг, маленький, юркий весельчак и шутник Кахрамон. Сидели они в чайхане всегда рядом, и когда они разговаривали, казалось, что они ругаются, что вот-вот грянет гроза. Но нет, они просто переругивались – очень уж нравилось маленькому весельчаку Кахрамону подшучивать над своим могучим другом. Уже растили они внуков, но отношения их не поддавались времени, по-прежнему оставаясь мальчишескими.

Однажды Кахрамон, сидя в тесном кругу друзей, попросил Киргизбая сходить на бахчу и принести арбуз. Время было позднее, идти было далеко, и тот отказался, сказав, что завтра принесет два арбуза. Этого и ждал его коварный друг. Усмехнувшись в седеющие усы, он ехидно поинтересовался, уж не боится ли палван идти ночью через кладбище-мазар, не трусит ли он. Могучий Киргизбай, не замечая подвоха, лениво отмахнулся – мне ли чего-то бояться? Нет, просто лень идти. Вся чайхана дружно рассмеялась. Все застыли в ожидании нового подвоха со стороны Кахрамона. И поспорил тогда весельчак со своим другом, что сможет он его напугать. Ценой спора был плов для всей честной компании. Немного времени понадобилось шутнику, чтобы выполнить обещание. В дни полива бахчи оставался Киргизбай ночевать на поле, в высоком шалаше, установленном на сваях. Вот и подкараулил его там неугомонный Кахрамон. В кромешной темноте подкрался он к шалашу, дождался могучего храпа палвана и, уперевшись спиной в сваю, стал раскачивать шалаш, подвывая при этом жутким голосом.

Над его рассказом о том, как выпрыгнул Киргизбай из шалаша и с истошным воплем: «Вай дод, шайтан землю трясет» побежал в темноту, долго потешался весь кишлак. Зол, ух как зол был Киргизбай на своего друга за эту проделку. Отказался он угощать всех пловом, стал садиться в стороне от закадычного друга. И вновь поспорил с ним шутник, что все равно он заставит его приготовить обещанный плов.

Подслушал он однажды разговор Киргизбая с чайханщиком – мол собирается жена в соседний кишлак проведать дочь и внуков. И созрел в его голове новый план. Была паранджа у его жены. Осталась как память о давно минувших днях. Закутавшись в нее, стараясь изобразить женскую походку, направился он к дому Киргизбая. Тихонечко постучавшись в калитку, тонким женским голосом стал он звать:

– Киргизбай-ака, хей, Киргизбай-ака! Я пришла.

На зов, как он и ожидал, вышла жена Киргизбая – дородная, тучная, под стать мужу, женщина. Увидев у калитки закутанную в паранджу незнакомку, она очень удивилась. Удивление голосом изобразила и мнимая женщина:

– Ой, а вы кто? – кокетливо воскликнула она. – Мне нужен был Киргизбай-ака! Уж не сестра ли вы его? Так похожи, так похожи.

Услышав в ответ, что в дверях стоит его жена, мнимая женщина в неописуемом ужасе кинулась прочь с громким криком.

– Вай, горе мне, горе! Он же говорил, что жена уезжает в гости к дочери.

Быстренько добежав до дома и переодевшись, Кахрамон чинно и благородно проследовал в чайхану, где и провел весь оставшийся вечер.

Киргизбай же, придя из чайханы, вдруг обнаружил, что двери его дома заперты изнутри. Стукнув пару раз своим огромным кулаком по калитке, он стал звать свою старуху.

– Уйдите вон! – завизжала та в ответ из-за калитки. – Убирайтесь к своей любовнице. Не смейте здесь больше появляться, чтобы своей грязью не спугнуть фаришту, ангела-хранителя нашего дома!

– Ты, старая, часом не ополоумела? Какая любовница? – взревел, удивленный словами жены, палван. – О чем ты говоришь?

Долго он простоял у своей калитки, но домой так и не попал, пошел ночевать в чайхану. Утром собравшиеся на утренний чай мужики с удивлением смотрели на печального Киргизбая. Лишь шутник Кахрамон тихонечко улыбался в свои усы. Рассказ палвана о вечерних событиях, его печальные вздохи очень всех развеселили. Все наперебой стали расспрашивать его о загадочной, невесть откуда появившейся любовнице. Вот тут-то и вступился Кахрамон за своего друга, пообещав помирить его с женой, если тот угостит всех проигранным пловом плюс еще одним за свое семейное благополучие. Отчаявшийся палван был готов на все – какой позор на его голову, как он будет объяснять детям и внукам, что это чья-то шутка, что нет у него никакой любовницы. Отправил его домой Кахрамон, заверив, что через полчаса он придет в гости и помирит супругов.

Мрачнее тучи пришел домой Киргизбай. С тяжелой душой толкнул он свою калитку. Скрипнув ржавыми петлями, та поддалась, и вошел он к себе во двор. Жена, как обычно, хлопотала по хозяйству. Увидев мужа, она не кинулась встречать его с веселой улыбкой, а, нахмурив брови и уперев руки в бока, готовилась дать ему сражение. Попятился в смятении Киргизбай от грозного вида жены, но в это время раздался у калитки женский голос, ласково и призывно зовущий его. Словно молния, метнулась старуха к калитке – как же, вот оно, доказательство. С треском распахнула она взвизгнувшую калитку с твердым намерением раз и навсегда разделаться с разлучницей. Но что это? Закутанный в паранджу, но с откинутой чадрой, сияя невинной улыбкой, стоял перед ней закадычный друг ее разлюбезного мужа.

Так помирил Кахрамон Киргизбая с женой и угостил за его счет пловом всю честную компанию. Одного он не рассказал друзьям в чайхане – как далеко пришлось ему бежать от разъяренного палвана.

Рустам МУМИНОВ,
подполковник в резерве.

